# O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI XORAZM VILOYATI
# BOG‘OT TUMANI HOKIMINING
# QARORI

**Bog‘ot shaharchasi, O‘zbekiston ko‘chasi, 18-uy**

2021-yil 22 - апрел        843 к -son        **Bog‘ot shaharchasi**

**Тумандаги давлат мактабгача таълим ташкилотларида қисқа муддатли гуруҳларни ташкил қилиш тўғрисида**

Боғот туманидаги давлат мактабгача таълим ташкилотларида қисқа муддатли гуруҳларни ташкил қилиш орқали давлат мактабгача таълим ташкилотларида болалар қамровини янада кенгайтириш мақсадида ҳамда туман мактабгача таълим бўлимининг 2021 йил 6 апрелдаги 01-01/1-2-478-сонли сўровномасини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 25-моддасига асосланиб

**ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

1.Тумандаги давлат мактабгача таълим ташкилотларида 20 та қисқа муддатли гуруҳлари фаолиятига рухсат қилинсин.

2.Туман мактабгача таълим бўлими (Ж.Искандаров)га:

Қисқа муддатли гуруҳларининг ўқув-тарбия жараёнига замонавий инновацион педагогик технологияларни, таълим ва тарбиянинг самарали шакллари ҳамда усулларини жорий этиш;

Илғор хорижий тажрибани ҳисобга олган ҳолда, мактабгача таълим билан қамраб олинмаган болаларнинг давлат талабларига мувофиқ ҳар томонлама ақлий, ахлоқий, эстетик ва жисмоний камол топиши учун шарт-шароитлар яратиш вазифаси топширилсин.

3.Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари Р.Шарипов зиммасига юклатилсин.

**Туман ҳокими**        **Ш.Яхшибаев**